


Шаҳримизнинг бугунги жамоли. СУРАТДА: Театр майдони

Л. Глауберзон фотоси.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2-йил чиқиши.
21 СЕНТЯБРЬ 1967 й.
ПАЙШАНБА
№ 222 (377).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Инженерлар сафи кенгаймоқда

Тошкент политехника институти химия — технология факультетининг дипломанти И. Юнусов Самарқанддаги қўн заводи учун химия станциясини автоматлаштириш схемасини ишлаб чиқди. Унинг курсдоши А. Мусаев эса худди шу заводдаги котельнийни автоматлаштириш ишларини бажарди.

Институтнинг ана шу факультетини тамомлаган 188 ёш мутахассисга химия корхоналарини, ноорганик моддалар технологияси, пластмасса, виночилик каби ишлар технологияси инженерлари, деган диплом берилди.

Жонажон институтлари даргохида пухта билим олган ёшлар мустақил ҳаётга йўлланма олдилар.

Графикдан олдин

Пойтахтдаги «Союзглавреактив» республикалараро маиший буюмлар ишлаб чиқариш нонтораси юбилей йилида қўплаб химия реактив моддалар ишлаб чиқармоқда. Бу маҳсулотлар Урта Осиёдаги бир қанча илмий-текшириш институтлари ва агрохимия лабораторияларига ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Эндиликда қишлоқ хўжалик соҳасида иш олиб бораётган лабораторияларни химиявий реактив моддалар билан таъминлашга катта эътибор берилган. Шу мақсадда жойлардаги лабораторияларга пахта чилинда қўлланиладиган кўплаб химиявий моддалар юборилмоқда.

Октябрнинг 50 йиллигигача Узбекистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистон республикаларини химиявий реактив материаллар билан таъминлаш йиллик планини бажаришга қарор қилинди.

Янги қишлоқ

ЖУМАШЎЙ Марказий Фарғонада янги Найман қишлоғи пайдо бўлди. Задарё районидаги «Правда» колхозининг аъзолари шу қишлоқнинг эгаларидир. Олтмиш оила учтўрт ва ҳатто беш хоналик уй олдилар. Бу уйларда водопровод, канализация ва электр бор.

Қулай ва шинам уйжойлар ҳозир қўриқ ерда мўл «оқ олтин» ҳосили тераётган колхозчилар учун яхши туҳфадир. Совет давлатининг ярим асрлик юбилейигача қўриқ ерликларнинг яна юздан кўпроқ оиласи янги уйларга кўчиб киради.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

МЕҲНАТНИ ИЛМИЙ УЮШТИРИШНИ ЗЎР БЕРИБ ЖОРИЙ ҚИЛАЙЛИК, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАДАНИЯТИНИ ОШИРАЙЛИК

КПСС Марказий Комитети Свердловск область партия ташкилотининг ва Рибинск шаҳар партия ташкилотининг меҳнатни илмий уюштиришни саноатда жорий қилиш ва ишлаб чиқариш маданиятини оширишга доир ишлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Қабул қилинган қарорда айтиладики, халқ хўжалиги тармоқлари энг янги техника билан тобора кенг миқёсда таъминланаётган, ишчи ва мутахассисларнинг малакали кадрлари ўсиб етишган ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришни, меҳнатни ва бошқаришни илмий уюштириш алоҳида катта аҳамият касб қилмоқда. Одамлар меҳнатини илмий негизда, энг рационал равишда уюштириш, уларнинг иш шароитини яхшилаш ва шу асосда меҳнат унумдорлигини оширишга эришиш зарур. Қўпгина партия ва касаба союз ташкилотлари КПСС XXIII съездининг ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш тўғрисидаги қўрсатмаларини бажара бориб, мана шу вазифаларни ҳал қилишга кўпрок эътибор берадиган бўлиб қолди.

Меҳнатни илмий уюштиришни жорий қилиш ҳамда заводлар ва фабрикаларни ишлаб чиқаришнинг юксак маданиятига эришган корхоналарга айлантириш мусобақасини ривожлантириш борасида Свердловск областида ва Рибинск шаҳрида ижобий тажриба тўпланди. Мазкур область ва шаҳарнинг саноатида ускуналардан тағин ҳам тўлиқ фойдаланишни, иш вақтининг нобуд бўлишини қамайтиришни, ишнинг илғор усулларини қўлланишни, иш жойларини иш қуроллари билан рационал таъминлашни ва иш жойларига узлуксиз хизмат кўрсатишни, ишлаб чиқаришни планлаштириш ва бошқаришнинг прогрессив системаларини ўзлаштиришни, меҳнат шароитини соғломлаштиришни, меҳнаткашларнинг маданий-техникавий савиясини оширишни таъминлайдиган комплекс тадбирларни ишлаб чиқиш, планлаштириш ва амалга оширишнинг янги методлари қўлланиладиган бўлиб қолди. Шундай чора ва тадбирларнинг амалга ошириладиганлиги меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларини кучайтиришга, давлатнинг план топшириқларини ва олинган мажбуриятларни муддатидан олдин бажаришга ёрдам бермоқда. Коллективларда меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик ошиб бормоқда, социалистик интизом мустаҳкамланмоқда.

Меҳнатни илмий уюштириш ва ишлаб чиқаришнинг юксак маданияти ижтимоий меҳнат унумдорлигини илмий техника тараққиётини ва социал тараққиётни янада узлуксиз ўстиришнинг муҳим омиллари эканлигини ҳисобга олиб, КПСС Марказий Комитети Свердловск область ва Рибинск шаҳар партия ташкилотларининг ишлаб чиқаришни ва меҳнатни илмий асосда уюштиришни планли равишда такомиллаштириш ишларини ўтказишда ишчилар, мутахассислар ва олимлар активлигини ва ижодий ҳамдўстлигини ривожлантиришга доир фаолиятларини маъқуллади. КПСС Свердловск область комитетига ва Рибинск шаҳар комитетига бу ишни янада кенгайтириб ва чуқурлаштириб, уни барча партия, касаба союз ва хўжалик органларининг, ҳар бир ишлаб чиқариш коллективининг кундалик ишига айлантириш таклиф қилинди.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область партия комитетларига саноатда, қурилишда ва транспортда меҳнатни илмий уюштиришни жорий қилиш қай аҳволда эканлигини кўриб чиқиш, партия, совет, хўжалик ва касаба союз ташкилотларининг куч ва ғайратини меҳнатни илмий ташкил этишни ва ишлаб чиқаришнинг юксак маданиятини бутун чоралар билан жорий қилишга қаратиш, бу борада Свердловск области ва Рибинск шаҳри партия ташкилотларининг тажрибасидан фойдаланиш тавсия қилинди.

Марказий, республика, ўлка ва область газеталарининг редакцияларига, радиоэшиттириш ва телевидение комитетларига саноат корхоналарида, қурилиш ва транспортда ишлаб чиқаришни, меҳнатни ва бошқаришни уюштиришдаги энг янги муваффақиятларни ва илғор иш тажрибаларини систематик равишда ёритиш ва пропаганда қилиш таклиф этилди. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Кинематография комитети шу мақсадда илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар чиқаришни кўпайтириши лозим.

КПСС Марказий Комитети министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари зиммасига ўзларига қарашли корхоналарда ишлаб чиқаришни, меҳнат ва бошқаришни илмий уюштириш принципларини изчиллик билан амалга оширишни таъминлаш, Ватанимиз ва чет эл фани ва практикасининг шу проблемаларни ҳал этишдаги муваффақиятларини тўла равишда ўрганиш ва ёйиш, меҳнатни уюштиришни яхшилашда, саноат эстетикаси, санитария ва гигиенасига доир тавсияларни ишлаб чиқиш вазифасини юклади. Илмий тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари, конструкторлик бюроларининг меҳнатни уюштиришнинг прогрессив методлари негизида ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштиришдаги ролларини ошириш зарур. Министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари меҳнаткашларга энг қулай меҳнат шароити ва ишлаб чиқариш шароити яратиб беришда корхоналарга амалий ёрдам бериб туришлари шарт.

1968 йилнинг биринчи ярмида Свердловскда ва Рибинскда корхоналар ва илмий тадқиқот муассасалари раҳбарларининг, министрликлар ва идоралар ходимларининг иштироки билан партия ходимларининг семинарини ўтказиб, шу семинарда корхоналарда меҳнатни илмий уюштиришни жорий қилиш ва ишлаб чиқариш маданиятини ошириш борасидаги иш тажрибасини ўртоқлашишга қарор қилинди.

«ЮБИЛЕЙ ЙИЛИНИНГ ПЕШҚАДАМ БРИГАДАСИ» КОНКУРСИ

ТЕЗ, СОЗ, ЧИРОЙЛИ

«Главташкентстрой», «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг «Юбилей йилининг пешқадам бригадаси» номини олиш учун хўжалик ҳисобида ишловчи 8 та комплекс бригадалари ўртасида ўтказган конкурсида Р. Зиёев, Х. Баҳодиров, Г. Зайниддинов, М. Кабировлар бошлиқ бригада азаматлари яхши натижаларни қўлга киритдилар.

Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини муносиб қутиб олиш йўлида фидокорлик кўрсатаётган шу бригадаларнинг ғишт терувчилари қўплаб қурилиш материалларини тежаб қолмоқдалар.

Шу бригадаларнинг ичида машҳур винокор Р. Зиёев бошлиқ бригада бу ёдкорлари энг яхши кўрсаткичларга эришдилар. Бригада аъзолари 1320 ўринлик мактаб биносини муддатидан илгари қуриб битказдилар.

Жюри биринчи ўринни Р. Зиёев бошлиқ бригада аъзоларига беришга қарор қилди.

ЮГОСЛАВИЯ ЭСТРАДАСИ — ТОШКЕНТДА



Шу кунларда Югославия эстрадасининг артистлари Тошкентда ўз санъатларини намойиш қилмоқдалар. Ангело Влаткович раҳбарлигидаги «АВС» ансамбли томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

Вано Стойковичнинг «Бир йигитча бўлар экан» деган америкаича қўшиғи, Иован Миничнинг «Чарли Браун» деган сатирик қўшиғи томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Сабаҳутдин Курт, Звонко Сишмич ҳамда Ведо Хамшичлар ҳам санъат ихлосмандларини мафтун этдилар.

Суратларда: юқорида Вано Стойкович ва пастда эса Ведо Хамшичлар қўшиқ айтишмоқда.



ДЕБОЧА

Киров районининг Навоий, Энгельс ва Пушкин кўчаларида қардошларимиз меҳнат қилиб, осмон ўпар муҳташам бинолар қурмоқдалар. Райондаги ҳар бир корхона ҳам ўз хизматчиларини уй-жойлар билан тўла-тўкис таъминлаш чораларини кўраётир. 36 квартирали 2 та 4 қаватли уй-жой биноси ва 140 ўринли болалар комбинати учун кеча Асбобсозлик заводи хизматчилари ихтиёрига берилди.

Бир йўла 200 киши овқатланадиган ошхона, 72 квартирали уй қурилиши ниҳоясига етай, деб қолди. Бу янги қурилиш «Компрессор» заводи меҳнаткашларига қарашлидир.

«Ўзбексельмаш» заводи маъмурияти ҳам юбилейга атаб катта қурилиш ишларини олиб бормоқда. Бу ерда қишлоқ хўжалик машиналарини янада кўплаб ишлаб чиқарадиган янги қуюв ва пресслаш цехлари қурилмоқда.

«Юлдуз» фирмаси маъмурияти яқин кунларда 4 қаватли 64 хонали маъмурий бинога кўчиб ўтади.

Бу биноларни «Главташкентстрой» винокорлари қуриб беришмоқда. Яқин кунларда Энгельс кўчасига келиб қўшилган Навоий кўчасининг давоми бўйлаб трамвай ва троллейбуслар қатнай бошлайди. Бу юбилей объектлари районда олиб борилаётган қурилишларнинг бир дебочасидир.

ОКТЯБРНИНГ ЁРҚИН НУРИ

ГРЕК СИЁСИЙ МУҲОЖИРЛАРИ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖАМИЯТИНИНГ ЮБИЛЕЙ СЕССИЯСИ

Грек сиёсий муҳожирлари «Дўстлик ҳафталиги»да илмий техника жамияти коллективининг юбилей сессияси ҳам бўлди. Сессия Совет ҳокимиятининг шонли 50 йиллигига бағишлаб ўтказилди. Сессияда қатнашган вакиллардан бири — Греция Коммунистик партияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси ўртоқ Зисис Зографос, Совет партия ва жамоатчилик ташкилотларининг вакиллари, фан, маданият ва санъат арбоблари, қатнашдилар.

Фалсафа фанлари кандидати Мицос Касюрас «Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва Грецияда марксча-ленинча фикр» деган мавзудаги докладида Октябрь революцияси Грецияда марксизм-ленинизмни оммалаштиришда катта роль ўйнаганлиги ҳақида гапирди.

Нотиқ Россиядаги революцияни ишчилар ва прогрессив интелигенция қизғин қутиб ганлигини айтди Шуниси муҳимки, ўша йиллардаёқ Греция интелигенциясининг илғор вакиллари Паламас, Сикеллианос, Варналис ва бошқалар ёш Совет мамлакатига қарши бошланган чет эл интервенциясини жиловлашга чақирдилар.

Греция Коммунистик партияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси ўртоқ Зисис Зографос ўз сўзида Грециядаги ҳозирги аҳвол ҳақида ҳам гапирди. Ҳозирги пайтда ҳарбий хунта Советларга қарши туҳматдан иборат қампанияни кучайтириб юборганини айтди. Илмий-техника жамияти бундай туҳматларни рад этишда ўз ролини ўйнаши керак.

С. Эвангелиу,
грекча «Неос дромос» газетасининг мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ РАССОМИ»

ҚЎКРАККА ТАҚИЛАДИГАН БЕЛГИНИНГ ТАСВИРИ

Қўкракка тақиладиган бу белги домра шаклида нейзильбердан ясалган (кумуш югуртилган) бўлиб, диаметри 30 миллиметрдир.

Белгининг текис сатҳида бўёқ чўткалар билан палитра ва пастда дафна дарахти шохчаси тасвирланган бўлиб, шохча палитранинг бир чеккасини бекитиб туради.

Горизонтал ҳолатда ёзилган «Халқ рассоми» ва унинг остидаги «Народний художник» деган сўзлар белги марказидан сал чапроққа сурилган бўлиб, палитра устига ўтади.

Белгининг орқа томонида ўртадан юқорироқда қуёш нурлари устида «ЎзССР» деган сўз ёзилган, пастда эса пахтаси очилган гўза шохларидан ишланган винокетка тасвири ясалган бўлиб, унинг устида белгининг номери кўрсатилган лентача тасвирланган.

Тасвир ва ёзувлар бўрттирилиб берилган.

Қўкракка тақиладиган белги тешикча ва ҳалқача орқали колодкага уланган бўлади, колоднанинг ўрта қисми Узбекистон ССР Давлат байроғи рангида бўлган муаз лента билан қопланган.

Қўкракка тақиладиган бу белги тўғрисида ёрдами билан қадалиб, кўкракнинг ўнг томонига тақиб юрилади.



СИНФИЙ ЖАНГЛАР

ЛОНДОН. Лейбористлар ҳукуматининг иқтисодий сиёсати саноатнинг турғунлигига, нарх-наво ва ишсизликнинг авж олиб кетишига сабаб бўлди. Инглиз меҳнаткашлари бу сиёсатга тобора қаттиқ қаршилик кўрсатмоқдалар. Улар меҳнат шароитини яхшилашни, иш ҳақини оширишни талаб қилмоқдалар. монополияларнинг касаба союзлари ҳуқуқларига қилаётган ҳужумига қарши кураш олиб бормоқдалар.

Ҳозирги пайтда Буюк Британиянинг йирик порт шаҳарларида докерларнинг забастовкаси давом этмоқда. Улар маъмуриятнинг янги меҳнат системасини жорий қилиш планларига қарши чиқмоқдалар. Бу система жорий қилинганида докерлар ишдан бўшатилиши мумкин. Забастовкада бир неча ўн минглаб киши қатнашмоқда. Лондон, Манчестер ва Ливерпулдаги бир қанча докларда иш тўхтаб қолди.

«Воксхолл моторс лимитед» компаниясига қарашли автомобиль заводларининг 25 мингга яқин ишчиси иш ташлади. Улар касаба союз раҳбарларининг курашни тўхтатиш тўғрисидаги даъватини рад этдилар ва иш ҳақини оширишни ҳали ҳам қаттиқ талаб қилмоқдалар.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ВДР ОСМОНИДА УРИБ ТУШИРИЛДИ

ХАНОЙ. Америка авиацияси Хайфон шаҳрининг аҳоли зич яшайдиган районларига ҳужум қилган вақтда Вьетнам халқ армиясининг зенитчилари Американинг беш самолётини уриб туширдилар.

(ТАСС).

Сурбетларча аралашув

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО, 19 сентябрь. (ТАСС). «Ултима ора» газетасининг хабар беришича, Бразилия нефтчиларининг касаба союзи ўз ички ишларига АҚШ касаба союз бирлашмаларининг сурбетларча аралашаётганлигини қоралаган.

Америка касаба союзлари, деб ёзади газета, бразилияликларнинг АҚШга таклиф қилинган баъзи бир группалари сафарининг ҳақини махсус суратда тўлаб турибди. У ерда бразилияликларнинг қулоғига гўё фақат АҚШдагина мавжуд бўлган чинакам «эркин, демократик касаба союз ҳаракати» бор деган гапларни қуймоқдалар.




Тошкент энергетика ремонт корхонасининг коллективи шу неча кундузда муҳим халқ хўжалиги буюртмаларини шараф билан бажармоқда. Корхона ишчилари пахта тозалаш заводлари учун пахта қуритиш агрегатларини кўплаб таъмирламоқдалар.

Комсомол аъзоси М. Миррахимов шу корхона механика участкасининг пешқадам фрезерчиларидан биридир. У мунтазам равишда смена ва ойлик топшириқларини анча ортиғи билан адо этмоқда.

Суратда: коммунистик меҳнат бригадаси аъзоси М. Миррахимов.

М. НУРИДДИНОВ фотоси.



Халқ Польшаси ҳаритасида қизил чизиқларни кўплаб учратасиз. Бу чизиқлар муҳим автомобиль йўллари бўлиб, улар эрқали мамлакатнинг барча районларига ва чет элларга бориш мумкин.

Суратда: Польшадан ўтадиган Москва—Берлин халқаро автомобиль йўлини кенгайтириш.

ЦАФ — ТАСС фотоси.



Дубна шаҳрида ядро қуроли асбоб-ускуналари-нинг Польша виставкаси очилди.

Суратда: (Олдинги планда) ҳисоблаш техникаси ва автоматлаштириш лабораториясининг директори, СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси Михаил Мешчерянов экспонатлар билан танишмоқда.

Ю. Туманов фотоси, ТАСС фотохроникаси.

Арз - додли участка

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

Участка бошлиғи хонасига кирганимизда жанжалнинг устидан чиқиб қолдик. «Главташкентстрой»га қарашли 8-трестнинг Қўйлиқ массивидаги 46-қурилиш участкаси бошлиғи Николай Иванович Лев билан шу участка прорабн Абдураим Тўлагановлар бир-бирлари билан тортишиб, жанжаллашар эдилар. Биз улардан қурилишдаги ишлари ҳақида-да гапириб беришини сўраган эдик, участка бошлиғи тутақиб кетди:

— Ишларимизнинг нимаси билан ҳам таништираман,— дейди участка бошлиғи Николай Иванович.— Мен ўзим ахир яқинда қурилишга келганманку. Очиғини айтиб қўяқолай: ишларимиз яхши эмас...

Н. Левнинг бу гапидан ажабланиб, қурилишдаги аҳвол билан таниша бошладик. Қурилаётган объектнинг бири 980 ўринли мактаб биноси, иккинчиси 280 ўринли болалар боғчасидир. Ўтган йилнинг декабрь ойида иш бошланган. Мактаб биноси 1967 ўқув йилига тайёр бўлиши керак эди. Болалар боғчаси эса, юбилейга туҳфа қилиниши кўзда тутилгандн. Лекин мактаб биноси ҳануэгача битгани йўқ. Болалар боғчасининг эиди иккинчи қаватига етиш терлаётир.

Хўш, нега шундай! Нега бу объектларда қурилиш суръати паст!

Қурилишдаги ишга салбий таъсир кўрсатаётган омиллардан бири— бу ерда ишчи кучининг етишмаслигидир.

Бу участкага бошқарма томонидан 180 ишчи бириктилган бўлса-да, амалда 65 ишчи ишламоқда.

Бошқарма томонидан берилган планга кўра, сентябрь ойида прораб Абдураим Тўлаганов бошчилик қилаётган уч бригада аъзоларининг 55 минг сўмлик иш бажаришн кўрсатилган. Лекин бригадаларнинг номи бор-у, у ерда ишлаётган одамнинг тайини йўқ. Бу уч бригададаги ишчиларнинг ҳаммасини йиғиштириб келганда, улар бигта бригаданн ҳам ташкил қилолмайди.

Участка бошлиғи билан прораб ўртасидаги юқоридаги жанжалнинг асосий боиси ҳам ана шунда. Буннинг устига объектга қоришма, ғишт ва бошқа қурилиш материалларини етказиб берувчи машиналар ҳам етарли эмас. Материаллар вақтида объектга келмаслиги туфайли қурилишда кундалик ишлар бажарилмай қоляпти.

Энг жиддий камчиликлардан яна бири қурилишда бошлиқларининг тез-тез ўзгариб туришидир. Шу йилнинг 6—7 ойи давомида участка бошлиғи Л. А. Лумин, мастер З. Мўминов, прораб К. Какавас қаби ўндан ортиқ кишилар ишдан бўшатилган.

Мана, яна бир мисол: прораб Абдураим Тўлагановнинг ишга келганига ҳали бир ой бўлгани йўқ, лекин шунга қарамай участка бошлиғи кўлида унн ишдан бўшатиш ҳақидаги аризасн турибди. Шу ерда бир савол туғилади: ахир, ҳадеб раҳбарлар ўзгаравергач, қурилишда кўнгилдагидек иш бўлмаслигини билмайсизми, Юрий Амирхонович!

Ҳа, ўртоқ Цапанов, биз юқорида гувоҳи бўлган жанжал шуни исботлаб турибдики, агар сиз бошқармангизнинг 46-участкасидаги камчиликларга тезда барҳам бермасангиз, қурилиш суръатини тезлатиш чораларини кўрмасангиз, участка бошлиғи Николай Иванович Лев ҳам олдингизга ариза кўтариб киришн мумкин.

Р. ХОЛМАТОВ,
Э. ЭГАМБЕРДИЕВ,
О. ШОДМОНАЛИЕВ,
ТошДУ студентлари.



1962 йил

8 АВГУСТ. Урганч шаҳрида телевизион марказ иш бошлади.

13—16 АВГУСТ. Тошкентда ЮНЕСКО-нинг қурғоқчилик зоналарини ўрганиш бўйича консультатив комитетнинг XVIII сессияси бўлиб ўтди. СССР, АҚШ, Англия, Франция, Ҳиндистон, Тунис, Исроил мамлакатларининг кўзга кўринган олимларидан иборат бу халқаро орган мамлакатимизда биринчи марта ўз йиғилишини ўтказган.

18 АВГУСТ. Бекобод металлургия заводида мамлакатда биринчилар қаторида металлни узлуксиз қуядиган установка синовдан ўтказилди.

24 АВГУСТ. Фарғона шаҳрида Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашининг биринчи республика спартакиадаси тамом бўлди. Бу спартакиадада республика саноат корхоналаридан 300 га яқин кучли спортчилар қатнашди. Улар умумкоманда ҳисобида биринчи ўринни эгалладилар.

24 АВГУСТ. Пермь шаҳрида бўлиб ўтган оғир вазнли штангачилар чемпионатида тошкентлик инженер Павел Ким энг енгил категориядаги спортчилар билан мусобақалашиб, уч ҳаракат билан 280 килограмм оғирликдаги штангани кўтариб, Совет Иттифоқи чемпиони бўлди.

28 АВГУСТ. Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида қишлоқ хўжалик моллари кўргазма-аукциони очилди. Беш республика — Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Украина, Ўзбекистон бу ерда ўз қўйлари, чўчқалари, сигирлари, паррандалари, отларини намойиш қилдилар. Бу виставкада қишлоқ хўжалик машина ва механизмларининг энг янги намуналари ҳам намойиш қилинди.

АВГУСТ. 177 километрлик Амударё — Газли водопровод қувури қурилиши тугалланди. Мамлакатдаги энг йирик газ конидан фойдаланувчилар посёлкасига суткасига 4000 кубометрга яқин сув оқиб кела бошлади.

АВГУСТ. Сузиш бўйича Харьковда ўтказилган Совет Иттифоқи биринчилиги учун мусобақаларида тошкентлик спорт мастери Светлана Бабанина мамлакат чемпиони бўлиб, олтин медалга сазовор бўлди.

АВГУСТ. Самарқанд шаҳри марказидаги сув ҳавзасини кавлаш жараёнида бундан тахминан 25—30 минг йил илгари яшаган одам қолдиқлари топилди. Бу, қадимий полеолит даврига мансуб бўлган. Ўрта Осиё ва Қозоғистон территориясида топилган одамнинг биринчи қолдиқларидир. Самарқанддаги топилма совет олимларининг Ўрта Осиё ер шарининг энг қадимдан одамлар яшаган жойлардан бири эканлиги ҳақидаги фикрни тасдиқлади.

1 СЕНТЯБРЬ. Қарши шаҳрида савдо-кооператив техникуми очилди.

5 СЕНТЯБРЬ. Шу куни республикамизда минг чақалоқ туғилди, 250 никоҳ қайд қилинди.

5 СЕНТЯБРЬ. Навоий шаҳри яқинида икки километр баландликдаги Лангар тоғида телевизион ретрянслятор установкаси қурилиши тугалланди. Бу установка Бухоро ва Навоий шаҳрининг меҳнаткашларига Тошкентдан бериладиган ва бошқа телевизион эшиттиришларини томоша қилиш имкониятини берди.

5 СЕНТЯБРЬ. Тошкент почтамтининг ҳужумлари шу куни мамлакатнинг турли томонларидан 151.430 хат ва 10.950 телеграмма қабул қилдилар ва жўнатдилар.

5 СЕНТЯБРЬ. Тошкентда Ўзбекистон механизаторларининг IV съезди бўлиб ўтди.

5 СЕНТЯБРЬ. Жанубий Сурхон сув омборининг Шеробод водийси билан туташтирадиган Шеробод каналини қазиш билан боғлиқ бўлган тайёргарлик ишлари тугалланди.

ҲИНДШУНОС ОЛИМ

Ҳиндистоннинг ҳозирги замон тараққийпарвар адиби Ҳўжа Аҳмад Аббоснинг реалистик асарлари совет китобхонларининг қайси бирини ҳаяжонлантирмаган. Унинг «Дайди», «Жаноб 420», «Мунна», «Ганга», «Тўрт йўл», «Тош устида минг кеча» каби фильмлари, совет-ҳинд халқлари дўстлиги рамзи бўлган «Уч денгиз оша сайёҳат» номли экран асарини, шунингдек «Ҳиндистон фарзанди», «Келажак бизники» романларн ва кўплаб ажойиб асарларини ватандошларимиз жуда севиб ўқийдилар.

Аҳмад Аббоснинг фаолияти фақат адабиёт ва санъат билан чегараланмайди. Айни вақтда у халқаро тинчлик учун толмас курашчи сифатида ҳамда Улуғ Октябрь ғояларини ва советлар днёри тўғрисидаги ҳақиқатни ўз ватандошлари ўртасида кенг тарқатиб келаётган журналист ва актив жамоат арбоби сифатида ҳам машҳур. У Совет Иттифоқида, жумладан Ўзбекистонда бир неча бор меҳмон бўлган. Бинобарин, совет кишилари ўртасида бу сермаҳсул ҳинд адибининг ижодий йўли билан яқиндан танишиш ҳаваси ортганлиги тасодифий ҳол эмас, албатта.

Ўзбек ҳиндшуноси Уйғун Ориповнинг яқинда Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг илмий кенгашн муҳокамасига ҳавола қилган кандидатлик диссертацияси ана шу масалага бағишланган эди.

Муҳокамада сўзга чиққан расмий оппонентлар филология фанлари доктори А. Қаюмов, Тошкент Давлат университети хорижий шарқ халқлари адабиёти кафедрасининг мудири, филология фанлари кандидати Ш. М. Шомуҳамедов, Шарқшунослик институти Ҳиндистон-Покистон секторининг мудири, тарих фанлари кандидати И. М. Ҳошимов, шунингдек муҳокамада иштирок этган Ўзбекистон ССР Тил ва адабиёт институтининг директор ўринбосари, филология фанлари доктори А. Ҳайитметов ўртоқлар диссертантнинг ишига юқори баҳо бердилар.

Шарқшунослик институтининг илмий кенгашн Уйғун Ориповнинг диссертация ишини бир оғиздан маъқуллаб, диссертантга филология фанлари кандидати деган илмий даражани беришга қарор қилди.

Н. МУҲАМЕДОВ.



ЯНГИ ТУРМУШНИНГ БОШЛАНИШИ

Эртага Мали Республикасининг миллий байрами — мустақиллик куни

1960 йилнинг 22 сентябрида Судан иттифоқи партиясининг фавқулодда съездида, собиқ Франция Судани территориясида янги, мустақил Африка давлати — Мали Республикасининг барпо этилганлиги эълон қилинди. Республиканинг ривожланиши бўм-бўш жойда бошланди. Ҳом ашё базаси мутлақо йўқ эди, саноат эса бир неча юз ҳунарманд — косиблардан иборат эди, холос. Малида фойдали қазилмаларни қидириш ишлари олиб боришнинг бехудалиги, республика саноатини ривожлантиришнинг фойда бермаслиги ва ҳатто бу ишни амалга оширишнинг имконияти йўқлиги ҳақида мулоҳазалар ҳукм сурарди. Малида саноатни ривожлантириш учун ҳом ашё базаси йўқ ва умуман бу ерда саноат буюмлари ишлаб чиқаришнинг ўзи зарур эмас, деб даъво қиларди мустамлакачилар. Бу қашшоқ агар мамлакат мустамлакачилар учун катта фойда олиш манбаи бўлиб хизмат қиларди. Малидан ҳар йили катта суммада — 3400 миллиондан кўпроқ Африка франки миқдоридаги капитал олиб кетиларди.

Судан иттифоқи партияси миллий саноатни, халқ хўжалигида давлат секторини юзага келтириш ва шу асосда қишлоқ хўжалигини юксалтириш йўли билангина бу қийин аҳволдан қутилиш ва гуллаб-яшновчи мустақил давлат қуриш мумкин, деган фикрни олдинга сурди. Континенталь давлатнинг социалистик қурилиш йўлини узилкесил танлаб олиши объектив зарурат эди. Чунки бу йўл жуда камчил бўлган моддий бойликларнинг ҳаммасини максимал даражада тўплаш, халқни мустамлакачилик ҳукмронлигининг қолдикларини йўқотиш, кишининг киши томонидан эксплуатация қилинишини тугатиш, барча гражданларнинг манфаатини кўзловчи давлат қуриш учун курашга жипслаштириш имконини берарди. «Ҳеч ким бизни социалистик индустриаллаштириш йўлидан қайтаролмади. Чунки бу йўл мустақиллигимиз талабларини ва миллий суверенитетимизни тўла таъминлайди» деб қайд қилиб кўрсатди Мали президенти Модибо Кейта.

Иқтисодий қурилиш соҳасида эришган биринчи муваффақиятларни қайд қилиб ўтмай бўлмайди. Мали халқи бу муваффақиятларда ҳақли равишда ўзининг янги турмушини кўриб турибди. Ўтган йиллар мобайнида йигирмадан кўпроқ давлат корхонаси қурилди.

Бағиндеда қурилган консерва комбинати, Бамако ва Гаодаги икки гўшт комбинати, Куликородаги ер ёнғоғини қайта ишлаш заводи, Сотюбадаги электростанция, транзисторли радиоприёмниклар ишлаб чиқариш заводи, сопол буюмлар заводи, гугурт ва сигарета фабрикалари, қанд заводи ва бошқа кўпгина корхоналар саноатни ривожлантириш йўлидаги ва Мали ишчилар синфининг юзага келишидаги биринчи қадамлардир. Совет Иттифоқининг ёрдами билан Динамуда барпо қилинаётган улкан цемент заводи қурилаётган корхоналар орасида Мали халқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эга бўлажак.

«Оффис дю Нижер» номли давлат корхонаси қишлоқ хўжалигида асосий маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона бўлиб қолди. У экин майдонларини тинмай кенгайтирмоқда, мамлакат учун керак бўлган янгиданяигн кишлоқ хўжалик экинларини ўзлаштирмоқда. Кооператив бирлашмалари ҳам ўз фаолият доираларини кенгайтирмоқдалар.

Республика ҳаётидаги ўзгаришлар ҳар қадамда кўзга ташланиб туради. Малининг бутун савдо ишларини ўз қўлида сақлаб келган 13 чет эл экспорт-импорт компаниялари ўрнида давлат «СОМИЭКС» жамияти юзага келтирилди. 1965-1966 йилларда унинг олган фойдаси бир миллиардга яқин Мали франки миқдорига етди. 1960 йилдагидан уч баравар кўпроқ, яъни 154 минг бола мактабларда ўқимоқда. Мустақилликка эришилганга қадар 98 процент аҳолиси саводсиз бўлган бу мамлакатда ҳозир савдосизликни тугатиш бўйича 650 га яқин марказ иш олиб боряпти. Согликни сақлаш соҳасида ҳам сезиларли силжишлар рўй берди. Агар илгари фақат Бамакодагина касалхона мавжуд бўлган бўлса, ҳозир 250 кишлоқ медпункти, 43 халқ дорихонаси, 53 туғруқхона ва бошқалар аҳолига хизмат қилиб турибди.

Бироқ ёш республика ҳали кўпгина нарсаларга муҳтож. Белгиланган ҳамма планларни амалга ошириш учун керакли бўлган маблағ ва кадрлар етишмайди. Аммо, малиликлар ўзларининг кундалик ишларида социалистик давлатлардан, шу жумладан Совет Иттифоқидан ғоят катта ёрдамлар олиб турибдилар.


СССР Малига турли соҳаларда ишлайдиган миллий кадрлар — учувчи, агроном, инженер ва техниклар, ўқитувчи, геолог, врач, турли мутахассисликдаги ишчилар тайёрлашда катта ёрдам бермоқда. Олий маъмурий мактаб, политехника ва қишлоқ хўжалик институтлари, медицина билим юрти, профессионал-техник ва таълими марказининг юзага келтирилиши Совет— Мали ҳамкорлигининг самараларидир. Судан Иттифоқига КПСС ҳаёя қилган олий партия мактаби бу ўқув йилида ўзининг биринчи тингловчиларини қабул қилади.

Совет — Мали геологня қидириш партияси темир маъдани, қурилиш материаллари ва цемент қазилмалари ҳамда бошқа шу каби қазилмалар ва сув манъбаларининг катта запасларини кидириб топди. Ўтгизга яқин Совет врачи мамлакатнинг энг иссиқ ва олис жойларида ишламоқда.

Мали халқи ўз янги турмушини оғир курашларда курянти. Революцияни муҳофаза қилиш Миллий комитети (НКЗР)нинг Судан Иттифоқи Миллий сиёсий бюросини тэркатиб юбориш ва унинг вазифасини ўз зиммасига олиш ҳақида чиқарган қарори ўзилкесил социализмни танлаган Малининг душманлари мудрамаётганлигидан далолат бериб турибди.

Мали халқи революцияни муҳофаза қилиш миллий комитети (НКЗР)нинг тадбирларини қўллаб-қувватламоқда. Комитетга, Мали Республикасининг президенти Модибо Кейта номига жамоат ташкилотлари, давлат корхоналари ва муассасаларн, армия қисмлари ва бўлинмаларидан ҳамда айрим гражданлардан ҳукуматни қўллаб-қувватлаш ҳақидаги мактублар келмоқда. Кейинги вақтларда Мали шаҳарларида ва Мали пойтахти Бамакода оммавий митинг ва намойишлар бўлянти. Мали меҳнаткашлари мамлакатни колониклардан чиқариш учун босиб ўтилиши лозим бўлган йўлларнинг оғирлигини ўйлаб тушуниб олмоқдалар. Аммо уларнинг охиригача кураш олиб боришдаги катъияти етти йиллик меҳнатларининг биринчи муваффақиятли натижалари, республика ҳукумати ва Судан Иттифоқи партияси тутган йўлнинг тўғрилигига ишониш билан, Малининг кўп сонли дўстларининг хайрихоҳлиги ва кўллаб-қувватлаши билан мустаҳкамланмоқда.

В. КОРОЧАНЦЕВ.
ТАСС мухбири.



СУРАТДА: Эрон пойтахтининг — марказий Теҳрон кўчаларида. Аджерпресс-ТАСС фотоси.

ЮБИЛЕЙ ОБЪЕКТЛАРИ ●

УЧИНЧИ ҚУНҒИРОҚ ОЛДИДАН

Шаҳримизнинг Навоий кўчаси бўйлаб ўтар экансиз, осмонўпар кранлар сизни ўзига маҳлиё қиладн. Биз ана шу улкан қурилишлардан бири—юбилей объекти ҳисобланган Ҳамза номли Давлат академик драма театри қурилиши майдонидамиз. Қурилиш ишлари қизғин. Шоферлар ўз самосвалларида ишқор етказиб улгира олмайди. Етиб келган ишқорлар дарҳол қурилиш участкаси бўйлаб тарқаладн. Юбилей вахтасида ишлаётган бунёдкорларнинг қўлн-қўлига тегмайди.




Шаҳримизнинг юбилей объектларидан бири бўлган бу қурилишни «Главташкентстрой»нинг 159-қурилиш трестига қарашли 8-қурилиш бошқармасининг азамат бинокорлари қайта тиклаётган Ҳамза театри биноси қурилишига қўл уришдан олдин Радио уйи, Санъат саройи, «Ёшлик» Спорт саройи, каби кўзга кўринарли объектларини ниҳоясига етказиб келганлар.

Қурилиш ниҳоясига етай деб қолган Ҳамза театри ҳам ана шундай кўзга кўринган ўзбек меъморчилик санъати ншоотларидан бири бўлиб қолади.

Ҳозирги кунда бу ерда асосий қурилиш ишлари тугаган. Театр бинонинг пардозлаш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Ҳозирда бинонинг асосий қисми пардоздан чиқди. Бунда В. Шуваров, У. Абаев бошлиқ комплекс бригадаларнинг меҳнат ғайратини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак.

Суратларда: Театр янги биносининг умумий кўринишн ва илғор механизаторлардан В. Неруганенов, А. Хафизов, комплекс бригада бошлиқлари В. Шуваров ва У. Абаев ўртоқларни кўриб турибмиз.

М. НУРИДДИНОВ
фотолари.



Маҳмуд ТАЙМУР,
араб ёзувчиси.

ЖОНИМ СЕНГА ТАСАДДУҚ...

ҲИКОЯ

Роман чиндан ҳам қизимда эди. Уни ола чиққанимни ўзим ҳам билмай қолибман.

— Йўқ, ҳали ўқиб бўлганим йўқ, — аъзойи баданимни қалтироқ босиб, базўр жавоб қилдим.

— Жуда ҳаётий роман экан,

— Ўқиганмисиз бу романни?

— Йўқ, бир-икки варақлаган эдим.

— Варақлаган эдим? Қаерда кўргандингиз уни?

— Сизнинг хонангизда-да, албатта.

— Сиз мен йўғимда хонамга кирганмидингиз?

— Вой, азизим, ҳали билмайсизми, — жавоб қилди у мулойим жилмайиб, — ахир хизматкорларнинг ишини назорат қилиб туриш менинг зиммамга ирадн-ку. Мен уларни ҳамиша назорат қилиб тураман. Хўш, менинг роман ҳаётий экан, деган фикримга қўшиласизми?

— Тўғри, жуда ҳаётий.

— Бироқ одамларнинг кечинмаларини яхши бера олмаган,

— Кечинмаларини?

— Мен, албатта, ишқий ҳис-туйғуларни назарда тутяпманда.

Юрагим уришдан тўхтаб қолгандек туюлди назаримда.

— Сизга ишқий романлар кўпроқ ёқадими?

— Жуда!

У бармоқларини ичида жипслаштириб, ўзини бир оз орқага ташлади. тўзал ва нозик бармоқлари, чиройли ўтириши қалбимни қитиқлаб, ҳаяжонимни баттар оширнб юборди.

Шу пайт хизматкор келиб, уни телефонга чақириб қолди. Аёл мен томонга шайдо қилгудек мулойим боқиб, ўрнидан турди. Мен бўлсам худди гуноҳ иш қилиб қўйган одамдек ҳижолатли, айни чоқда бехад бахтиёрлигимча ўтирган еримда яна анча ўтириб қолдим. Сўнг, хаёлга ғарқ бўлганимча қалбимда биздан тугён уриб кетган ҳирсни босиш мақсадида боғ кезиб кетдим.

Биз кечки овқатдан сўнг меҳмонхонада кофе ичиб, чекишиб ўтирган эдик. Кейин Фарид билан Аббос меҳмонхонадан чиқишган эди. Амал ҳам уларнинг кетидан эргашди, Отаси Ҳаёт билан ёлғиз қолдим. Мен ҳам уларнинг кетидан чиқмоқчи бўлиб турган эдим, Ҳаёт пианино ёнига утириб чала бошлади. Шундай пайтда чиқиб кетиш одобдан бўлмас эди, мен қолишга мажбур бўлдим. Куй жуда ёқимли эди. Мен сел бўлиб, унга қулоқ солиб қолдим. Ҳаёт чалишдан тўхташ билан, мен у чалган куйни мақтаб кетдим.

— Сизга чиндан ҳам ёқдими? — сўради у хурсанд бўлиб.

— Жуда!

— Бўлмаса айтингчи, сизнингча, бу куйни ким басталаган?

— Турган гап, бирорта катта санъаткор бастаган уни.

— Катта санъаткор бастаганми?

— Ҳа-да!

— Бордию, бу куйни мен яратдим десамчи?

— Ундай бўлса, демак мен тахминда янглишмаган эканманда!

У кулди, мен ҳам унга қўшилдим. Шу пайт унинг қўлидан рўмолчаси тушиб кетди. Мен уни олиб беришга шошилдим. Рўмолчадан бинафшанинг енгча ўхшаш нозик ис димоғимга урилди. Ис менга ниҳоятда таниш туюлди-ю, бироқ эслолмадим.

— Нақадар ёқимли ис! — дедим рўмолчани бурнимга яқинлаштириб.

— Бу махсус аралашма. Атирнинг номи «Муҳаббатли тун».

Мен Ҳаётдан узр сўраб, емакхонага чиқдим-да, чўнтагимдан «Мен сени яхши кўраман, жоним сенга тасаддуқ» сатрлари битилган қоғозни олиб, уни искаб кўрдим. Ушша ис! Мен яна ва яна искаб кўрдим. Э-ҳа гап бу ёқда экан!

Мен меҳмонхонага худди икки қўли боғланган одамдек, гандиракдаб кириб бордим. Хонага киришим билан Ҳаётнинг:

— Атирнинг иси сизга ёқдими? — деган овозини эшитдим.

— Жуда!

— Бу «Барну» фирмасининг энг сўнгги ихтироси. Мен бу атирни Париждан олдириб келганман. Бу атир мен учун жуда қадрли.

— Париждан дейсизми?

— Ҳа, ҳа... Бутун Миср да бундай атирнинг иккинчи шишасини қидириб тополмайсиз.

— Ажабо... Демак, бу атир ёлғиз сиздагина бор, шундайми?

— Ҳа...

— Ундай бўлса...

— Хўш?

— Бу атир ёлғиз сизнинг ўзингиздагина борлиги аниқми?

У бир зум менга диққат билан тикилиб турди-да, кейин жилва билан кулиб юборди.

— Сизга нима бўлди, Шокирбек? Бугун сал ғалатироқ кўринасиз?

— Кечирасиз... бошим алланечук айланиб кетди.

— Балки, висгини кўпроқ ичиб юборгандирсиз?

— Йўқ-э... кўпроқ чекканимдандир, балки, яхшиси, кетайлик, яна ўша «Муҳаббатли тун» атирингиз устидаги гапга қайтайлик.

(Давоми бор).

(Боши газетанинг ўтган сонида).

АДАБИЙ МЕРОСИМИЗДАН

САФО МУҒАННИЙ

ШОИР ВА САНЪАТКОР

Ўзбек совет адабиёти янги ижтимоий тузумнинг, социалистик ва коммунистик ғояларнинг барқарорлиги учун кураш, янги шакл, янгича услубни ахтариш, ишлаш жараёнида оғир ва машаққатли синов йўлларини босиб ўтди,шу курашда улғайди. Кўп миллатли совет халқлари адабиёти билан бирга янги социалистик ҳаётнинг, коммунистик ғояларнинг қизғин ва изчил ташвиқотчисига, кишиларимизда вужудга келган бутунлай янгича шавқ-завқ, рангоранг маънавий оламнинг содиқ куйчисига айланди.

Октябрь социалистик революциясининг дастлабки йилларидаёқ адабий ижод аҳлларининг меҳнаткаш синфларга яқин бўлган илғор, халқпарвар ва демократик қисми ҳеч бир иккиланмасдан курашчан революцион омма томонига ўтди. Социалистик замоннинг янгича адабиётини яратиш ва оёққа бостиришдек серташвиш, масъулиятли ва шарафли меҳнат ўзбек халқининг ана шу виждонли, софдил, садоқатли, жасур, журъаткор ва эҳтиросли ёзувчилари зиммасига тушди.

Бинобарин, ўзбек совет адабиётининг юзага келиши ва ривожланишининг илк босқичларида баракали ижодий меҳнат қилган арбобларидан бири Сафо Оллоберган ўғли Муғанний-дирки, унинг адабий мероси ва ўзбек совет адабиёти тарихида тутган ўрни жиддий ўрганишга лойиқдир.

Сафо Оллоберган ўғли 1884 йилда Хевада туғилди. У жуда ёшлигидан санъатга ғоят қизиқиш билан қаради. Аниқса, соз чалиш ва ашулага ўзида алоҳида ҳавас ва иштиёқ сезган Сафо замонасининг кўзга кўринган созчиларидан, шунингдек, катта маърифатпарвар шоир ва музикашунос, бастакор Комил Хоразмийдан таълим олди. Ижрочилик соҳасида камолот касб этиш билангина қаноатланиб қолмай, ўзи ҳам янги куйлар ижод этиб, бу куйларга шеърни ҳам ўзи ёза бошлади. Музика санъатига бўлган иштиёқига кўра «Муғанний» тахаллусини қабул қилди. Ниҳоят, тез кунда Муғанний шоир, бастакор ва ажойиб ижрочи-артист сифатида кенг халқ оммаси орасида катта обрў қозонди. Шу ҳарса характерлики, Муғанний замонасининг кўпгина машшоқ ва шоирлари каби ўз талантини даромад манбаига айлантириб, хон ва феодаллар саройига сиғиниб бормади ва бундай ҳаранатни ўзига ор деб билди. Аксинча у Хоразм халқ революциясига қадар ўз шеърлари ва бошқа шоирларнинг асарларига сершавқ, дилрабо куйлар ёзиб, уларни юксак маҳорат билан ижро этар, бу орқали қизғин ташвиқ қилар эди. Шоир хонлик тузуми даврида бундай эрксеварлиги, жасорати ва журъатнор фаолияти учун кўп таъқибларга учради. Хоразмда феодал реакцияси кучайган йилларда (1918—1919) бир қанча вақт яшириниб, бошқа юртларда сарғардон ҳаёт кечиришга мажбур бўлди.

Хоразмда халқ революциясининг ғалабаси бу халқпарвар шоир ва устод санъаткорга ҳам кенг ижодий фаолияти учун бақувват замин ва катта имкониятлар яратди. Халқ революциясининг ғалабаси ва Совет ҳокимиятининг дастлабки кунларидан бошлабоқ Муғанний ўз сафдош ва масландошлари Баёний, Фақирий, Чоҳар ва Мутрибдар каби ҳеч иккиланмасдан курашчан революцион омма позициясига ўтди. У зўр ғайрат ва иштиёқ билан, янада янги куч ва матонат билан ижодий меҳнатни давом эттирди. Шоир ва созчи Муғанний ҳам ўз замондош-сафдошлари каби қалами ва созн билан улуғвор тарихий курашнинг илғор сафларида бўлишга интилди.

Муғанний Совет ҳокимияти йилларидаги илк ижодий қадамларидан бошлабоқ, эндигина шаклланиб келаётган ёш ўзбек совет адабиётида, хусусан, поэзияда Ҳамза изидан бориб, революцион қўшиқ жанрининг ижодчиси бўлган новатор шоир сифатида майдонга чиқди.

Муғанний Хоразм революцияси ва халқ республикаси (1920—1925 йилларида ёзган) «Қанча биродарлар ўлди ким сабаб?», «Озарбайжон наъмаси усулида», «Уруш жабҳасида», «Хуш келдингиз, бош устина, товариш!», «Инқилобга», «Хоразм халқига», «Ёшларга», «Тоза саҳна», «Хоразмда яшаган туркман камбағаллари дилидан», «Биродарлар, хушинг эмди», «Очилинг», «Ёвмут ўзбекнинг бўлсун бирлиги», «Қўзғалинг, қўзғалур чоғидур Хоразм эли!» каби шеърларида даврнинг оташин ва бўронли нафасини, замонаннг юрак урушини, меҳнаткаш омманинг жанговар курашчанлик руҳи ва муаффарона олға юришини юксак шавқ-завқ билан ҳаққэний тарзда акс эттиришга интилади.

Ўткир публицистик характерга эга бўлган Муғанний шеъриятининг энг аъло ва етакчи ғоявий-бадиий хислати—эксплуататорлик зулмига қарши меҳнаткаш омманинг ғолибона курашини юксак тараннум қилишдадир.

Муғаннийнинг сўнгги йилларда (20-йилларнинг иккинчи ярми ва 30-йилларнинг бошлари) жуда хилма-хил мавзуларда кўплаб ашулалар яратганлиги маълум. Аммо, уларнинг кўпчилиги фақат ижрочилар орасида тарқалган бўлиб, маълум бир китоб шаклида тўпланмаган. Бу қўшиқларнинг баъзилари ҳозир ҳам Хоразм халқи орасида севилиб куйланиб келинмоқда. Сафо Муғанний 1941 йилда вафот этди.

ХУШ КЕЛДИНГИЗ ХОРАЗМГА*

Ўзбекистон оқсоқоли,
Йўлдош Охунбобо ўғли.
Камбағалларнинг ғамхўри,
Хуш келдингиз Хоразмга.
Хоразмдир узоқ округ,
Келмак қийин темир йўл йўқ.
Келишингиз жуда шодлик,
Хуш келдингиз Хоразмга.
Хоразмда деҳқончилик,
Меҳнати кўп қийинчилик.
Сиздан керак ёрдамчилик,
Хуш келдингиз Хоразмга!
Хоразмни келиб кўрдинг,
Барча аҳволларин сўрдинг,
Меҳнаткашга ғамхўр бўлдинг
Хуш келдингиз Хоразмга!

*Сафо Муғанний бу қўшиқни Йўлдош Охунбобоевнинг 1929 йилда Хоразмга келиши муносабати билан ижод этиб, уни ўша онлардаёқ куйга солиб айтган эди. Бу қўшиқ Хоразм меҳнаткашларининг энг севимли қўшиқларидан бири сифатида халқ орасида жуда кенг тарқалган. Ҳатто, халқ уни ўзиники қилиб олиб, баъзи ўзгартишлар ҳам киритган. Қўлимизда шоирнинг ўзи томонидан ёзилган қўлёзма нусхаси бўлмагани учун биз халқ орасидаги варнантини бердик.



Нуруллавойда митингилар қурилди,
Буржуалар иттифоқи бузилди,
Хоразмда эълоннома ёзилди.
Мустабидлар тузоқлари узилди.

Камбағаллар ҳукумати тузилди.
Март ойининг олтиланчи кунида.
Бойлар ҳукумати бўлди шармандa,
Вақти хушлик бўлиб Хоразм элинда,
Мустабидлар тузоқлари бузилди.
Камбағаллар ҳукумати тузилди,
Бойлар ҳукуматини ерга йиқдилар,
Бир нечасин тутиб гўрга тиқдилар,
Ҳақиқатнинг асосига етдилар,
Мустабидлар тузоқлари узилди.
Камбағаллар ҳукумати тузилди ,
Яшасин дунёда қизил аскарлар,
Ватан учун азиз жондан кечганлар,
Камбағалга ҳам раҳбарлик этганлар,
Мустабидлар тузоқлари узилди,
Камбағаллар ҳукумати тузилди.

КОЛХОЗ ИШИ ГУЛЛАСИН

Колхозчилар, чин меҳнаткаш деҳқонлар,
Ғайрат қилинг, колхоз иши гулласин,
Заҳмат чексин бизга қарши чиққанлар,
Байрам қилинг, колхоз иши гулласин.
Колхозчи, ғайрат-ла экингиз пахта,
Пахтани ишлайди ишчи заводда,
Даркор эмас энди чет эл пахтаси,
Улкамизда машҳур колхоз даласи.

Комсомоллар қўшиғи

Кўзлар ўткурдир, билаклар кучли,
Ватанни сақлашга тайёрмиз бизлар.
Чин қалбимиздир ҳар дамда аёвли
Бонглар таратдик дунёга бизлар.
Нақарот:
Биз комсомоллар, буюк номимиз,
Зафар маршини чалиб борамиз.
Ленин отамиз партиясининг
Чиниққан соғлом, ботир ўғлимиз.
Олдик Ленинидан таълим, йўл-йўриқ,
Ҳар бир жабҳада қаҳрамондирмиз.
Ҳар минут сайин доҳидир ғамхўр,
Эришдик кўп зўр ютуқларга биз.

ЯШАСУН БИРЛИК

Ёвмут, ўзбекнинг бўлсун бирлиги,
Яшасун бирлик, битсун нифоқлар,
Битсун ирвогар одам бузғувчи,
Яшасун ҳурлик ҳам иттифоқлар.
Йўқ бўлсун эмди миллий адоват,
Ташланг гинани букун, ўртоқлар!
Ҳама бир дувганмиз, ҳама қардошмиз,
Ўзбаку ёвмут, қозоқ, қалпоқлар.
Бирлашиб ҳам қўлни қўлга ушлашиб,
Ватанни душмандан сақланг, ўртоқлар,
Камбағаллар ҳуқуқларин сақловчи,
Яшасун аскарлар, битсун олчоқлар!
Хоразмда мустабидлар йўқ бўлди,
Эмди букун бизга ганимат чоқлар!
Яшасун Шўролар жумҳурияти!
Яшасун ҳуррият, қизил байроқлар,
Соз чалиб, Муғанний, халқни шод айла,
Хоинлар жазосин бир кун тортжақлар!

СОҒ БЎЛИНГЛАР

(ХОРИЖГА УҚИМОҚҚА КЕТГАН ХОРАЗМ ТАЛАБАЛАРИГА).

Хоразмнинг фарзандлари,
Қайда борсанг соғ бўлинглар!
Богда очилган гуллари
Қайда бўлсанг, соғ бўлинглар!
Наврўз гулидек очилган,
Илм учун сафар қилган,
Ватанидан жудо бўлган,
Қайда бўлсанг, соғ бўлинглар!
Деҳқон, ишчидир белингиз,
Бу йўлдан дўнмангиз харгиз,
Омон бориб, соғ келингиз,
Қайда борсанг, соғ бўлингиз!
Хоразмда билим оздир,
Уқимоқ сизларга фарздир,
Оч кўзингни Хоразм эли,
Қайда борсанг, соғ бўлинглар!
Илм учун ғайрат этгил,
Белинг боғлаб, ҳиммат этгил,
Қайтиб, Ватанингга етгил,
Қайда борсанг, соғ бўлинглар!
Муғанний чиқмасун ёддан,
Илм ўрганинг устоддан,
Билинг ҳар бир маълумотдан,
Қайда борсанг, соғ бўлинглар!

1921 йил, август.

Кўчаларимиз

Яшармиш ваҳший янглиғ, доимо балчиққа ботконмиз,
Юрурмиз қарри янглиғ, доимо балчиққа болконмиз.
Бизнинг кўзимиз очмай доимо ғафлатда ўтказган,
Сабабчи мустабиддур, доимо балчиққа ботконмиз.
Кўчани тор этиб, мадрасаларни каттадин олган,
Ўтолмай от-ароба, доимо балчиққа ботконмиз.
Ўзи қўшки бинолар айладилар ишрат этмакка,
Алар роҳатда, бизлар доимо балчиққа ботконмиз.
Қалъанинг ярмидан кўпроғи дурғон тўралар жойи,
Нечамиз жой тополмай доимо балчиққа ботконмиз.
У марҳум Хўжа Ислом тузди неча кўпригу йўллар,
Ани маҳв этти золимлар, доимо балчиққа ботконмиз.
Биродарлар у золимларга эмди лаънат айтинглар,
Ўқимай илму урфон, доимо балчиққа ботконмиз.
Бағайри шаҳрига ёгса ёғиш, оллога шукр айлар.
Дебон ёмғир камиса-чи, доимо балчиққа ботконмиз.
Яшар эл қўрки роҳат ёз ўлса, берур заҳмат.
Киш ўлса кеча-кундуз доимо балчиққа ботконмиз.
Биродарлар кирайлик биз ҳам инсонлар қаторина.
Ўқимай илму урфон, доимо балчиққан ботконмиз.
Муғанний, сен бу балчиқ илкидин қўб додлар қилма,
Қилур Шўро иложин, энди ҳеч балчиққа ботмасмиз.

ТОЗА САҲНА

Букун байрам бирodарлар, келинглар тоза саҳнага,
Олинг ибрат бирodарлар, келинглар тоза саҳнага,
Бу саҳнага келиб кирсак, томошадин эмас мақсад,
Очинглар кўзларингизни: келинглар тоза саҳнага.
Билинг бу саҳнани, ўз меҳнатингиздан бино бўлди,
Ҳамма меҳнаткаша хосдур, келинглар тоза саҳнага.
Келиб саҳнада ўлтурсак, мусаффо ўлғуси кўнглинг,
Мудомо хуш қилур вақтинг, келинглар тоза саҳнага.
Бутун миллатларга руҳ бергучидир саҳнадур билсанг,
Билурмиз илму фанларни, келинглар тоза саҳнага.
Яшасун айлагувчи ҳам сабабчи ул бирodарлар,
Яшасун инқилобчилар, келинглар тоза саҳнага
Йигирма иккиламчи йилда бу саҳна бино бўлди,
Муғанний айлади таъриф, келинглар тоза саҳнага.

ЗАМОН СИЗНИКИ

Эрлар билан тенгдир ҳуқуқларингиз,
Уйғон хотин-қизлар, замон сизники!
Дунёда алданиб ғофил қолмангиз,
Уйғон хотин-қизларимиз, замон сизники!
Сизлар учун қанча ишлар қилинди,
Уйғон хотин-қизлар, замон сизники!
Хоразмга инқилоб йўлин сочди,
Хотин-қизларимиз бахтини очди.
Ётмангизлар зиндон каби уйларда,
Баҳра олинг мактаб, билим уйларда,
Шу тартибда бутун дунё бор ерда,
Уйғон хотин-қизлар, замон сизники!
Руҳонийлар қарши бўлса чора бор,
Партия, ҳукумат сизга тарафдор.
Ишга интилинглар, туринглар зинҳор,
Уйғон хотин-қизлар, замон сизники!
Кул каби ётмангиз ернинг дастида,
Ботиб қолмангизлар зулм остида.
Инсон бўлиб кезинг ернинг устида,
Уйғон хотин-қизлар, замон сизники!

Ким сабаб?

(1918 ЙИЛ, 7 ФЕВРАЛДА ҚИЗИЛҚУМДА ДУШМАНЛАР ҚЎЛИДА ЎЛГАН БИРОДАРЛАР ҲАҚИДА АЙТИЛГАН).

Қизилқум чўлида, Хоразм элида,
Қанча бирodарлар ўлди, ким сабаб?
Февраль ойида душман қўлида
Қанча бирodарлар ўлди, ким сабаб?
Неча камбағаллар молдан айрилиб,
Нечанинг жасади қумларда қолиб,
Неча вақт ўртага адоват солиб,
Қанча бирodарлар ўлди, ким сабаб?
Биринчи сабабдур Исфандиёрхон,
Иккинчи сабабдур Қум Маҳмудхон,
Учинчи сабабдур ҳам ўқумаган,
Қанча бирodарлар ўлди, ким сабаб?
Маорифдан маҳрум қолган туркман,
Жаҳолатлик сабаб бўб тўкди қонлар,
Нодонликда қўйган мустабид хонлар,
Қанча бирodарлар ўлди, ким сабаб?
Тафовут йўқ ўзбек била туркманда,
Адоват тобконлар бўлсин шарманда.
Кўп инсонлар ўлди бу Хоразмда,
Қанча бирodарлар ўлди, ким сабаб?
Икки миллат орасида фарқ йўқдур,
Орзу бирлик бўлса қорнимиз тўқдур,
Орамизда ҳозир хонлар чўқдур,
Қанча бирodарлар ўлди, ким сабаб?
Бу сабабни ҳукуматдан кўрмасмиз,
Ухлаб ётиб ҳеч уйқута тўймасмиз,
Биз Хоразм аскар қадрин билмасмиз,
Қанча бирodарлар ўлди, ким сабаб?
Бирodарлар ётманг, тез уйғонингиз,
Сиз ҳам инсон қаторина кирингиз,
Муғанний дер: ҳуқуқингиз олингиз,
Қанча бирodарлар ўлди, ким сабаб?

Хоразм халқига

Дунё юзи ёқтиланди* ҳурриятнинг нуридан,
Камбағаллар озод бўлди мустабидлар зулмидан,
Эй қардошлар, эй қардошлар, не турмайсиз уйқудан?!
Қизил аскар қонлар тўкиб ҳурриятни олдилар,
Тортиб олди ҳукуматни мустабидлар қўлидан,
Эй қардошлар, эй қардошлар, не турмайсиз уйқудан?!
Ўйламангиз эски замон қайтиб яна келур деб,
Ғофил бўлманг, келди бахтинг, бўша қолмангиз илмдан,
Эй қардошлар, эй қардошлар, не турмайсиз уйқудан?!
Бошқа миллат кетди олға, сиз қолдингиз кейинда,
Ғайрат қилиб чопишинглар, хўрлик ёмон ўлимдан,
Эй қардошлар, эй қардошлар, не турмайсиз уйқудан?!
Кўп асрлар Хоразмни хароб этмиш жаҳолат,
Очингизлар кўзларингиз ўқинг илму маърифат,
Эй қардошлар, эй қардошлар, не турмайсиз уйқудан?!
Чўх яшасин-чўх яшасин Шўролар ҳукумати,
Тез уйғониб фикр олинглар Муғаннийнинг сўзидан,
Эй қардошлар, эй қардошлар, не турмайсиз уйқудан?!

*Ёқтиланди — ёруғ бўлди.

ХУШИНГ ЭНДИ*

Хоразмда меҳмон бўлган,
Биродарлар, хушинг эмди!
Камбағаллар қўнглин олган,
Биродарлар, хушинг эмди!
Амин бўлиб бунда келдинг,
Камбағалга ҳуқуқ бердинг.
Яхши-ла ёмонни билдинг,
Азиз жонлар, хушинг эмди!
Қайтингизлар хушинд бўлиб,
Хоразмнинг кўнглин олиб.
Аэропланларга миниб,
Вилимдонлар, хушинг эмди!
Шод айладинг Хоразм элин,
Яшасин дунёда Ленин.
Келди бизга яхши айём,
Биродарлар, Ленинга салом!
Дўстинг кўпдир Хоразмда,
Ҳақлик яшар ер юзинда.
Муғанний айлар йўлингда,
Жонажонлар хушинг эмди!

*Бу шеър 1921 йилда РСФСРдан келган вакилларга бағишланган.

ЁШЛАРГА

Хоразмнинг фарзандлари,
Уйғонинглар! Уйғонинглар!
Кўринг бошқа миллатлари,
Уйғонинглар! Уйғонинглар!
Уйғонмоқдан мақсад нима?
Пароход яхшиму кема?
Ихлос қўюнглар илмга,
Уйғонинглар! Уйғонинглар!
Уйғонган халқ роҳат яшар,
Ухлаб қолсанг душман босар,
Пишган ошинг бошқа ошар,
Уйғонинглар! Уйғонинглар!
Хоразм бир жумҳурият,
Насиб ўлди чин ҳуррият,
Ўқуб илму маданият,
Уйғонинглар! Уйғонинглар!
Илмсизлар бўлур ночор,
Уйғонган халқ кўкда учар,
Бе ақл ўқувдан қочар,
Уйғонинглар! Уйғонинглар!
Неча юз йиллар ухладинг,
Хоинлар сўзин тингладинг,
Дўғру йўлдур деб ўйладинг,
Уйғонинглар! Уйғонинглар!
Хон, беклар ҳукумат суруб,
Айш ила ишратда бўлуб,
Сизни жаҳолатда қўюб,
Уйғонинглар! Уйғонинглар!
Қутулинглар жаҳолатдан,
Баҳра олинг ҳурриятдан,
Бўша қолманг бу давлатдан,
Уйғонинглар! Уйғонинглар!
Санкиз юз йилдин аввалда,
Илм кони Хоразмда,
Тараққий эрди, билимда,
Уйғонинглар! Уйғонинглар!

ИНҚИЛОБГА

(1921 йил 22 ноябрь)

Оч кўзинг Хоразм эли,
Энди юрайлик илгари,
Тушди ҳуррият нури,
Чўх шод ўлали!
Иштирок йўқ фирқаси,
Камбағаллар йўлбошчиси,
Яшар Хоразм ўлкаси,
Чўх шод ўлали!

Илму ҳунар ўргайинг,
Бошқа миллатни кўринг,
Ҳуррият қадрин билинг,
Чўх шод ўлали!
Жумҳуррият яшаюр,
Хевада хон бўлмаюр,
Эски замон келмаюр,
Чўх шод ўлали!

Қизил аскар яшасин,
Душман чексин жазосин,
Юртда хоин қолмасин,
Чўх шод ўлали!
Муғанний дер бир газал
Эшитсалар ҳар гўзал,
Шод яшайлик ҳар маҳал,
Чўх шод ўлали.

ОЗАРБАЙЖОН НАҒМАСИ БЎЙИЧА

Келди бизга бокди давлат,
Битди энди қайғу, кулфат,
Бўлди кундуз, кетти зулмат,
Ёқтулуққа чиқди миллат,
Яшасун ҳуррият, адолат,
Яшасун миллат!
Яшасун Русия, Бухоро, Хоразм,
Яшасун миллат!
Кечалар кундуз ўлди.
Фазолар юлдуз ўлди,
Бир кечанинг ичинда
Хоразм думдуз ўлди.
Яшасун миллат!
Яшасун Русия, Бухоро, Хоразм,
Яшасин миллат!
Дўқулмоқдан қонимиз,
Қутулмуш Ватанимиз.

Ҳуррият давронина,
Фидо бўлсин жонимиз.
Яшасун ҳуррият, адолат,
Яшасун миллат!
Яшасун Русия, Бухоро, Хоразм,
Яшасун миллат!
Ҳуррият халқни роҳати,
Яшасун Шўролар давлати,
Уйғониб ғафлат уйқудан,
Кўзин очди биз миллати.
Яшасун ҳуррият, адолат,
Яшасун миллат!
Яшасун Русия, Бухоро, Хоразм,
Яшасун миллат!
Ишчи тутди жаҳонни,
Йўқ қилди Хевада хонни,
Ҳам уйғотиб Хоразмни,
Шод ўл эмди, эй Муғанний.
Яшасун ҳуррият, адолат,
Яшасун миллат!
Яшасун Русия, Бухоро, Хоразм,
Яшасун миллат!

САҲИФАНИ ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ КАНДИДАТИ МУҲСИН ЮКИРОВ ТАЙЁРЛАГАН.

Оташқалб инсон

Мендан жуда кўп таниш-билишлар: «Сиз Сафо созчи билан жуда яқин эдингиз. Унинг қайси фазилатлари сизга кўпрок маъқул эди? деб сўрайдилар. Ҳа, мен Сафо созчи ёки халқимиз орасида Сафо Муғанний номи билан машҳур, кўп куй-қўшиқлари элимизга манзур бўлган Сафо Оллоберган ўғли билан Хоразм инқилоби йилларида танишдим. У вақтларда мен 16—17 ёшларда эдим. Кўп вақтим устозим Муҳаммад Юсуф Баёний домланинг уйларида кечарди. Сафо созчи Баёний домла билан (гарчан, ёш жиҳатидан бирбирларидан анча тафовут қилсалар-да) жуда қалин ошна эди. Бу ошналик, менинг анг лашимча, оддий танишбилишлик бўлмай, балки ижодий ҳамкорлик даражасига кўтарила олган мафкуравий ҳамжиҳатликдан иборат эди. Улар орасидаги бу ажойиб дўстликни, мен Хоразм инқилобининг бўронли йилларида аён сездим ва тирик шоҳиди бўлдим. Сафо созчи зукко табиат, хассос қалб, адолатпарвар, ёмонлик ва риёкорликни ўлгудек ёмон кўрувчи, нозик бадиий таъб соҳиби, яхши бастакор, ажойиб созчи, устоз ҳофиз ва нотиқ сифатида халқ орасида катта обрў қозонганди. Ундаги бу ранг-баранг истеъдод Хоразм инқилоби йилларида ҳар жиҳатдан гуллаб-яшнади, десам муболиға бўлмас. Сафо созчи у даврнинг муҳим муаммоларига ҳар вақт ҳозиржавоблик билан «лаббай» деб майдонга чиқарди. Кўпинча замон вокеаларига бағишлаб тўқиган қўшиқларини дарҳол устоз Баёний ҳузурига келиб, намойиш қилар, у кишининг фикр ва мулоҳазаларини сўрар, ўзаро муҳокама қилишарди. Мана шундай мажлисларда улар ҳизматида бўлган каминалари ҳам Муғанний ижодий дурдоналарининг дастлабки тингловчиси бўлишдек шарафга мушассар эдим. Орадан кўп ўтмай, устоз туфайли мен ҳам Сафо созчи билан яхшигина ошна бўлиб қолдим. 1921 йилларнинг охири ва, айниқса, 1922 йил давомида созчи мени ўзи билан турли йиғинларга, мажлис ва митингларга бирга олиб борар, созн ва қўшиғи билан янги ҳаёт ва коммунистик мафкурани қизғин ташвиқ қиларди. Мен ҳам янги давр ҳақида ёзган ашъоримни халойиқ орасида баланд овоз билан ўқий бошладим. Бу одат бора-бора ижодий ҳамкорлик тусини олди.

Сафо созчи оташқалб шахс эди. Инқилоб душманларини сўз ва соз воситаси билан ҳеч тап тортмай беомон фош қиларди. Шу сабабдан инқилоб ва Шўро ҳокимияти душманлари жуда кўп марта унинг пайига тушдилар. Қуйидаги вокеа аниқ эсимда: 1922 йилнинг ёз ойлари. Бир куни Нуриллабой* да қандайдир йиғинда қўшиқ ва шеър мажлиси қуриб ўз ишимиздан мамнун бир кайфиятда қайтардик. Созчининг уйига яқинлашиб қолганимизда чекка кўчадан уч киши чиқиб, йўлимизни тўсди. «Ҳа, ҳароми қулбаччалар, қани энди Шўроларинг жонларингга оро кирсин-чи! Мана энди катта доинг** олдига кетасанлар!» — деб бизга ташландилар. Шу чоқ мен чаққонлик билан ўзимни четга олиб, бир эшикни қоқиб: «Ёрдам берингларl» — дея овоз киддим.

Бахтимизга ҳали одамлар оғир уйқуга кетмаган экан, дарҳол бир неча киши ёрдамга етиб келди. Бадниятлар эса чўқмолини қолдириб қочиб қолди. Лекин улар созчининг бир елкасини яралашга улгуришди. Бу мудҳиш Нуриллабой*да ҳам ҳеч ҳодисадан кейин созчи бир ярим-икки ой чамаси хасталаниб ётди. Шундан кейин Хоразм инқилобий ҳукуматн созчига бир тўшонча бердики, у ўзини бундай ҳужумлардан ҳимоя қила олсин.

Шуни алоҳида таъкидлашим керакки, созчи жуда довюрак одам эди. Юқоридаги каби суиқасдлардан бир неча бор бўлди (ҳатто, уни дарёга ғарқ қилмоқчи ҳам бўлдилар, балиқчилар қўмагида саломат қолган.) Лекин созчи душманлар ўйлаганидек, чўчиб қолмади, аксинча ўз сўзи билан янги тузум ғанимларини кўп хисса. шиддат билан фош этарди. Бир нарса жуда диққатга сазоворки. Сафо созчи ёзган ва тўқиган қўшиқлар жанговар, барча учун англашиларли эди.

Очиғини айтганда, бундай фазилат камдан-кам шоир ва созчига насиб бўлади. Сафо Муғанний Хоразм инқилоби йилларида мана шундай аъло фазилати билан Шўро тузумини мустаҳкамлаш йўлида жон олиб-жон чекди. Ақли, идроки, қалби ва қўлида бор нарсасини аямади, борини меҳнаткаш халқ ва Шўро ҳукумати хизматига тўкди.

Сафо Муғанний инқилобнинг дастлабки кунларидаёқ коммунистлар сафига кирган эди. У фақат бастакор, шоир ва созчи бўлиб қолмай, ижодий ишни тўхтатмаган ҳолда кўп раҳбарлик лавозимларида ҳам ишлади. Умрини халқ иши йўлида фидо қилди. Ҳа, бундай отаниқалб одамларнинг хизматини элимиз асло унутмайди. Унинг табаррук руҳи ҳар вақт биз билан бирга.

Ота Маҳдум Муҳаммад Латиф ўғли ПАРТАВ.

(Бу хотиралар саҳифани тузувчи тарафидан 1953-1954 йилларда ёзиб олинган).

*Нуриллабой — инқилобга қадар Хива хонларининг ёзлик саройи бўлган /Хиванинг марказидир/. Тошҳовли ҳам деб аталади.

**Катта доинг — катта оғир демоқчи.

Ҳурматли газетхонлар!

1968 ЙИЛ УЧУН

„Тошкент оқшоми“ газетасига обуна бошланди.

«СОЮЗПЕЧАТЬ» КОНТОРАЛАРИ ВА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА БУ ГАЗЕТАГА ОБУНА ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

ОБУНА БАҲОСИ БИР ЙИЛГА 6 СЎМ.

Спорт

КУРАШЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Республика профсоюз ташкилотлари биринчилиги учун классик кураш мусобақалари бўлиб ўтди. «Локомотив» кўнгилли спорт жамиятининг базасида шахсий биринчилик учун 78 курашчи гиламга чиқди. Булар Тошкент, Самарқанд, Нукус шаҳарларининг вакиллари эди.

Энг енгил вазндаги беллашувларда В. Цой биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўринни В. Ли қўлга киритди. Бу икки курашчи «Локомотив» спорт жамиятининг вакиллари эди.

Енгил вазндаги кураш ҳам айниқса қизғин ўтди. Армия Спорт Клубининг вакили Е. Карасулин барча рақибларни маглубиятга учратиб, чемпион унвонини қўлга киритди. Самарқандлик А. Шодиев бу мусобақада биринчи марта иштирок этишига қарамай, юксак техникага эга эканлигини намойиш қилди ва фахрли иккинчи ўрин эгаси бўлди. Ярим енгил вазнда Армия Спорт Клубининг вакили А. Юсупов биринчиликни ўз қўлида тутиб қолди.

Айниқса ярим ўрта вазнли курашчиларнинг «жанги» қизғин тусда ўтди. Жисмоний жиҳатдан пухта тайёрланган спортчилар бу олишувларда юксак техника намуналарини ҳам кўрсатдилар. Ўрта вазнли курашчилар орасида «Динамо» кўнгилли спорт жамиятининг вакили Р. Мурнев чемпион номига эга бўлди ҳамда спорт мастерлигига номзодлик нормативини бажарди. Иккинчи ўринни «Локомотив» вакили В. Самерхонов қўлга киритди.

Ўрта вазнли ҳам «Локомотив» спорт жамиятининг спортчиси Н. Брюхов биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўринни шу спорт жамиятининг спорт мастери Ю. Лазарев қўлга киритди.

Оғир вазнли курашчиларнинг беллашуви иш. қибозларни ҳаяжонга солди. «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамиятининг вакили П. Харитоненко биринчи ўринни, Армия Спорт Клубининг вакили Н. Шишкин (Тошкент) иккинчи ўринни эгалладилар.

Курашчилар мусобақасида Армия Спорт Клубининг спортчилари ҳам техник, ҳам жисмоний жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрганликларини намойиш қилдилар. Бу мусобақа республикамиз курашчиларининг сафига эндигина кириб келаётган ёш спортчиларнинг кўриги тарикасида ўтди. Биринчи разрядли ва спорт мастерлигига номзодлар мақоратларини тинмай ошириб бораётганликлари бу мусобақада яққол кўзга ташланди.

И. ОХУНЖОНОВ,
СССР спорт мастери.

„ЁШ КУЧ“НИНГ ҒАЛАБАСИ

Тошкент шаҳар биринчилиги учун байдарка эшиш мусобақалари Комсомол кўлида ўтказилди. Бу мусобақада ўн беш, ўн саккиз ёшли қизлар ва ўсмирлар иштирок этди.

Мусобақанинг биринчи кунидан бошлаб биринчиликни ўз кўлига олган «Спартак» кўнгилли спорт жамиятининг байдаркачилари анча яхши натижа кўрсатдилар. «Буревестник» студентлар спорт жамиятининг байдаркачилари ҳам ғолиблик учун жиддий даъвогарлик қилдилар.

Жисмоний жиҳатдан пухта тайёрланган «Ёш куч» кўнгилли спорт жамиятининг вакиллари бу мусобақада бор маҳоратларини ишга солиб, «Буревестник» студентлар спорт жамиятининг байдаркачилари анча яхши натижа кўрсатдилар. «Буревестник» студентлар спорт жамиятининг байдаркачилари ҳам ғолиблик учун жиддий даъвогарлик қилдилар.

Жисмоний жиҳатдан пухта тайёрланган «Ёш куч» кўнгилли спорт жамиятининг вакиллари бу мусобақада бор маҳоратларини ишга солиб, «Буревестник» ва «Спартак» спорт жамияти вакилларини ортда қолдирдилар. Кескин спорт кураши остида ўтган мусобақа якунида «Ёш куч» спортчилари биринчи ўринни, «Буревестник» вакиллари иккинчи ўринни, «Спартак»чилар эса учинчи ўринни бўлиб олишди.

В. СОЛОИД,
СССР спорт мастери.



Октябрь районидаги Чапаев номли 42-ўрта мактабда жисмоний тарбия ишлари намунали йўлга қўйилган. Ҳозир мактаб қошидаги волейбол, баскетбол, теннис, шахмат-шашка ва футбол секциялари тажрибали ўқитувчилар раҳбарлигида ишлаб турибди.

СУРАТДА: мактабнинг бир группа ўқувчилари спорт майдончасида волейбол ўйнамоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

«ПАХТАКОР»НИНГ РАҚИБЛАРИ

Ҳар бир командаларнинг енгишга қийин бўлган бир рақиби бўлади. У шу команда билан учрашганда ўзини ҳеч ўнглай олмайди, маглубиятга учрайверади. «Пахтакор» учун ана шундай қийин командалардан бири Ленинграднинг «Зенит» коллективидир.

«Пахтакор» олий лигада биринчи марта қатнашган — 1960 йилда ленинградликлар ҳамшаҳарларимизни катта ҳисоб билан (5:0, 4:1) енгган эдилар. Лекин бу устунлик йил сайини ўз кучини йўқотиб бормоқда. Ўтган йили пахтакорчилар «Зенит»дан тўрт имкониятдан уч очко тортиб олдилар (2:0, 0:0).

Ленинград футболчилари 1936 йилдан буён СССР биринчилиги учун мусобақаларда иштирок этиб келмоқда. 1938 йилдан эса улар кучлилар қаторидан ўрин олдилар. Ленинградликлар аввал «Сталинец», кейинроқ «Зенит» эмблемалари остида яшил майдонларда жанг қилишди. Бу йил «Зенит»нинг олий лигада қатнашаётганига 26 йил тўлади.

«Зенит» 1958 йилда катта ғалабани қўлга киритди. Шу йили Нева соҳили футболчилари фахрли тўртинчи ўринга кўтарилдилар. Шундан кейин «Зенит» бундай юқори кўрсаткичга қайта эриша олмади.

Ленинград футболчилари СССР кубоги ўйинларида анча муваффақиятли қатнашган. «Зенит» уч марта финал жангларда иштирок этиб, фақат 1944 йили биллур кубок эгаси бўлди. «Зенит» Москванинг «Локомотив», «Динамо» ва «Спартак» командаларидан кейин биллур вазани қўлга киритган тўртинчи коллективдир. 1944 йили бўлиб ўтган СССР кубогининг финал учрашувида зенитчилар ЦДКА командаси билан беллашиб, 2:1 ҳисобида ғолиб чиқдилар.

Ўтган йилги футбол мавсумида ленинградликлар ўз имкониятлари доирасидан ҳам паст натижага эришдилар. Улар 16-ўринни эгалладилар. «Зенит» ўз тарихида ҳеч қачон бундай паст натижа кўрсатмаган эди.

Бу йилги чемпионатда эса зенитчилар ўтган йилдагидан ҳам ёмон ўйнамоқдалар. Бош тренер спорт мастери Аркадий Иванович Алов командасининг қўлгина ветераларини коллективдан бўшатиб юборибди, улар ўрнига ёшларни жалб қилган эди. Кучли командалар билан кураширишга тажрибаси ва маҳорати етарли бўлмаган ёш футболчилар бош тренернинг ҳам, ленинградлик ишқибозларининг ҳам ишончини оқлай олмадилар. У ҳозир 24 ўйиндан 14 очко тўплаб, турнир жадвалининг охирида келмоқда. Бу ҳол СССР футбол федерациясини ва Ленинград футбол федерациясини катта ташвишга солди. Командаларнинг олий лигадан тушиб кетмаслиги учун тезликда амалий чоралар кўрила бошланди. Командаларнинг тренерлар состави ўзгарди. А. Алов ўрнига хизмат кўрсатган спорт мастери Виктор Ворошилов тайинланди.

Командадан чиқариб юборилган С. Завидонов, А. Васильев, Ю. Вардамовлар қайтадан коллективга қабул қилинди. Улар В. Наумов, В. Рудь, В. Пзвеков каби ёшлар билан бирга Ленинград футбол шарафини ҳимоя қилишмоқда. Спорт мастери Н. Рязанов ҳам коллективга қайтиб келди.

«Пахтакор» — «Зенит»нинг биринчи даврадаги учрашуви 2:0 ҳисобида ҳамшаҳарларимиз фойдасига ҳал бўлган эди. «Зенит» учун ҳозирги кунда ҳар бир очко олтин билан баробар.

«Пахтакор» ҳам турнир жадвалидаги аҳволини яхшилаш мақсадида очко учун бор кучини аямаса керак. Хуллас, футбол ишқибозлари бугунги учрашув кескин спорт кураши остида ўтади, деб кутмоқдалар.

Н. РАҲИМЖОНОВ.

«ҚИЙИН» КОМАНДА...

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО ТЎЛҚИНЛАРИДА

21 СЕНТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «ПРАВДА» газетасининг обзори (ўзбекча).
18.10 Б. Троцюк. «Сатирик манзаралар».
18.40 Камер куйлардан концерт.
19.20 Татар куйлари.
20.00 «Октябрь» радиостанциясининг программаси (русча).
20.30 Янги Тошкентни қураётганлар учун концерт.
21.00 **Футбол.** «ЗЕНИТ» — «ПАХТАКОР». Ленинграддан олиб эшиттирилади.
21.50 **Улуғ Октябрь хроникаси. «Сўнгги ахборот»** (Москва).
22.15 **«Пахта теримида қатнашаётган шаҳарликлар, сизлар учун»** деган концерт.
22.40 Янги таржималар. Усмон Носир шеърлари (русча).
23.20 **Механизаторларнинг талабларига мувофиқ концерт.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 **Ёшлар ижоди** (ўзбекча).
19.30 «Вахтанг Чабукиани». Музикали очерк.
20.10 Ўзбекистон артистлари ижросида гарб композиторлари операларидан парчалар.
20.50 Заводларнинг юбилей йили перекличкаси (русча).
21.00 **Тожик халқ куйларидан концерт** (тожикча).
21.30 Г. Таранов. «Олтой сюитаси».

22 СЕНТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 **«Пахта далаларининг илғорлари, сизлар учун»** деган концерт.
9.30 **Музикали танаффус.**
9.50 **«Юбилейга меҳнат совғаларн»** деган эшиттириш (тожикча).
10.10 Халқ чолғу асбоблари янграйди.
11.10 **«Институт ва лабораторияларда»** циклидан эшиттириш (ўзбекча).
11.35 Ўзбекистон радиоси хор коллективининг концерти.
12.15 **Спорт эшиттириши** (ўзбекча).
12.30 Эстрада концерти.
12.50 «Фан одимлари» циклидан. Профессор В. И. Поповнинг «Ер ости бойликлари халқ хизматида» деган суҳбати (русча).
13.40 Енгил куйлар.
17.00 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН. **(Ўзбек музикали драмаси»** деган концерт-очерк.
18.00 «ПРАВДА» газетасининг обзори (ўзбекча).
18.10 Н. Бах. Учинчи соя Англия сюитаси.
18.40 **В. И. Ленин ҳақида қўшиқлар.**
19.20 Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги олдидан. «Василенконинг «Оқ билак» балети» деган концерт-очерк.
20.00 Конструктор Акбар Ҳайдаров ҳақида эшиттириш (русча).
20.10 **«Ҳаётимиз қўшиқларга тўла»** деган музикали эшиттириш.
20.45 «КПСС МК ТЕЗИСЛАРИНИ ЎРГАНАМИЗ» деган эшиттириш (ўзбекча).
21.00 **Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт.**
21.35 **Саломатлигингиз ҳақида икки оғиз сўз** (ўзбекча).
21.40 **«Дунё воқеалари»** (ўзбекча).
21.50 **Улуғ Октябрь хроникаси. «Сўнгги ахборот»** (Москва).
22.15 **Ўзбек халқ куйлари кечаси.**
22.40 **Ўзбек ҳикоялари антологияси.** Ғ. Ғулом. «ТИРИЛГАН МУРДА» (ўзбекча).
23.20 **Дала меҳнаткашларининг талабларини ижро этамиз.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

7.15 Қардош республикалар қурувчилари учун концерт.
8.25 Эстрада куйлари ва қўшиқлари.
19.00 **Концерт.**
19.30 «Сигнал» адабий бирлашмаси меҳмонимиз (русча).
20.10 Ўзбекистон композиторларининг симфония асарлари.
21.00 Пахтакорлар учун концерт (тожикча).
21.30 1. «Юбилей йилининг «оқ олтин»и». 2. «Октябрь ва татар поэзияси» — А. Фетислямов мақоласи (татарча).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 Римский-Корса к о в. «Май кечаси» операси.

„Зангори“ экранда

21 СЕНТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида:

18.00 Телеянгиликлар.
18.20 **«Йўлдаги айиқча», «Ўрмондаги воқеа».** Болалар учун кинофильмлар.
18.40 Эшиттиришлар программаси ва эълонлар.

Ўзбек тилида:

18.50 **Саноат ходимлари учун.** «ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА» деган эшиттириш.
19.10 Телеянгиликлар.
19.30 **Ўзбек халқ классик куйларидан концерт.**
20.10 **КПСС Марказий Комитети тезислари — оммага.**
20.30 Телевизион театр. А. Несин. **«Ҳаёт — аччиқ ҳақиқат».**
21.50 «ОТИШМА». Бадиий фильм (рус тилида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида:

18.00 Ўқув эшиттиришлари программаси. **«Мактабларда ҳозирги замон музикаси.**

Ўзбек тилида:

18.30 Ўқувчилар учун. **«Бизнинг севимли қаҳрамонларимиз».**
19.00 Рус тилида. «Спортчилар—студиямиз меҳмони».

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.45 Эшиттиришлар программаси.
19.50 Мактабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги ўқувчилар учун. «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
20.20 Москвада РСФСР кундалиги.
21.00 Телеянгиликлар.
21.10 **Ярим аср йилномаси.** Телевизион кўп сериали ҳужжатли фильм. «1937 ЙИЛ».
22.00 Москвада РСФСР кундалиги. Концерт. Танаффус вақтида телеянгиликлар.
01.00 Жаҳон бир ҳафта ичида.
01.30 Москва эшиттиришларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ОЛМАОТА КЎРСАТАДИ

«Шуъла» ва «Радуга» ижодий бирлашмалари

18.00 Болалар учун эшиттириш.
19.00 **«Октябрь нуридан баҳра олган Қозоғистон».** Республика областларининг телефестивали. Жамбул области телевизион программаси.
22.00 Эфирда янгиликлар. (Қозоқ ва рус тилларида).
22.20 **«А. С. Пушкиннинг ўлими».** Адабий эшиттириш.

22 СЕНТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида:

17.55 Эшиттиришлар программаси.
18.00 Болалар учун «Жавоҳир изловчилар». Мультфильм.
18.10 Телеянгиликлар.
18.30 Хатларингиз асосида. Классик куйлардан концерт.
19.10 «Майор Вихрь». Телевизион бадиий фильмнинг иккинчи қисми.
20.20 Эшиттиришлар программаси.

Ўзбек тилида:

20.25 Телеянгиликлар.
20.45 **Қишлоқ хўжалик ходимлари учун. Пахта терими машиналари мавсумга шайлансин.**
21.00 ЯРИМ АСР ЙИЛНОМАСИ. «ЖОН — АНДИЖОН».

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида:

17.55 Эшиттиришлар программаси.
18.00 **«Маймуи Бебе».** Болалар учун кинофильм.
18.20 **Юбилей вахтасида.**
18.40 Хабаровскда учрашув. Ҳужжатли фильм.
19.00 СССР халқлари куйларидан концерт.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.45 Эшиттиришлар программаси.
19.50 Ўқувчилар учун. «Пионерия» телевизион агентлиги».
20.10 Москвада РСФСР ҳафталиги. Телефильм.
20.35 **КПСС Марказий Комитети Тезислари.**
21.00 Телеянгиликлар.
21.10 М. Бременер. «Сенга бағишланади». Москва ёш томошабинлар театри телеспектакли.
23.10 Янгиликлар эстафетаси.
00.10 Германия Демократик Республикаси ва Болгарияда музика бўйича халқаро конкурс.
01.00 Эфирда «Молодость». «Октябрь тенгдошлари». (50-йиллар драматургияси).
01.50 Москва эшиттиришларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ОЛМАОТА КЎРСАТАДИ

«Курдастар» ижодий бирлашмаси

18.00 Болалар учун. **«Ойгулек».**
18.30 **«Юракдан чиқариб бўлмади».** Киноочерк.
18.50 **Ёшлик йўли.**
19.15 **Ажойиботлар оламида.**

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида:

19.30 Эшиттиришлар программаси.
19.35 Янгиликлар.
19.45 **«Кичик йўл эгалари».** Болалар учун кинофильм.
20.05 **«ЁШЛАР ИЖОДИ».** Адабий эшиттириш.

Рус тилида:

20.25 Феднчева ва Соловьевларнинг ижодий кечаси. Фильм-концерт.
21.40 Янгиликлар.
21.50 Н. В. Гоголь. «МАЙ КЕЧАСИ ЁКИ СУВГА ЧЎККАН ҚИЗ». Фильм-спектакль.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/IX да **Аяжонларим.** 23/IX да **Мирзо Улуғбек.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА 21/IX да **Ўғил ўйлантириш,** 22/IX да **Ёшликда берган кўнгил,** 23/IX да **Гули снёх.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА 22/IX да **Анна Русских раҳбарлигида лилипут цирк артистларининг юбилей программаси.**

ЕЗГИ БИНОДА

Фантомас қутурмоқда — «ФЕСТИВАЛЬ». НАВОИЙ номли.

Денгиз ҳикоялари — «РАКЕТА». ТЕЛЬМАН номли.

Золтан Карпатининг тақдири — «ВАТАН».

Австралиялик учун хотин — КАФАНОВ номли.

Кино театрларда

21 СЕНТЯБРДА

ҚИШКИ БИНОДА

Фантомас қутурмоқда — САНЪАТ САРОЙИ, НАВОИЙ номли, «МОСКВА», «УЗБЕКИСТОН», «ЧАЙКА», «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Фантомас қутурмоқда — «ФЕСТИВАЛЬ». НАВОИЙ номли.

Денгиз ҳикоялари — «ХИВА».

Золтан Карпатининг тақдири — «РАКЕТА».

22 СЕНТЯБРДА

ҚИШКИ БИНОДА

Фантомас қутурмоқда — САНЪАТ САРОЙИ, НАВОИЙ номли, «МОСКВА», «УЗБЕКИСТОН», «ЧАЙКА», «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Киров районидаги 50 мактаб томонидан Файзиев Шуҳрат номига берилган 003443 сонли йўлкорлан

УРТА МАЪЛУМОТ ҲАҚИДАГИ АТТЕСТАТ

бекор қилинади.

«СИБСТАЛЬКОНСТРУКЦИЯ» ТРЕСТИНИНГ УРТА ОСИЁ БОШ ҚАРМАСИ ТОШКЕНТ УЧАСТКАСИГА

ишлаб чиқариш бўлимн ва ишлаб чиқаришни тайёрлаш группаси инженерлари, монтажчи-юкорига чиқувчилар, 5, 6-разрядли электр пайвандчилар, конструкция монтажи бўйича мастерлар, таъминот бўлими товаршуносларн, нормаловчилар, сметачилар, омборчилар, қоровуллар ўрмаловчи ва пневмогилдиракли кранчи, автокранчилар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Лугин кўчаси, 114-уйга кундуз соат 3 дан 5гача учрашилсин.

ГОРЬКИЙ НОМЛИ БОҒ

тикиш-бичиш курсининг кундузги группасига ҳамда бадиий спицада тикиш группасининг кундузги ва кечки бўлимларига ҳоҳловчиларни қўшимча

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Боғ конторасида соат 12 дан кеч соат 7 гача ёзилиш мумкин.

«ЎЗЭНЕРГОСБИТ»га

электр счётчикларини ўрнатиш ва алмаштириш электр монтёрлари, электр энергия ҳисоби бўйича контролёрлар, электр слесарлар касбига шогирдлар, инженерлар, техник-электриклар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар. 1 Май кўчаси, 101-уй (1, 2, 3, 4, 5, 13, 14, трамвайларнинг «Дизельний» тўхташ жойи), кадрлар бўлими. Телефон № В-3-19-242.

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИГА

секретарь-стенографистка

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 13-уй, 2-қават, кадрлар бўлими.

ТОШКЕНТ ШАҲАР 9 ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қўшимча

УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

15-25 ёшдаги 8-10 синф ҳажмидаги маълумотга эга бўлган ёшлар бир йиллик ва уч йиллик ўқишга қабул қилинадилар.

Билим юрти линотипчилар, ҳарф терувчилар, печатниклар, муковачилар тайёрлайди.

Ўқувчилар стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими ёки Чилонзор район, Нурхон кўчаси, 21-уй.

«ЎЗЭНЕРГОСБИТ»

электрдан фойдаланганлик учун счёт ёзиш ўзларига топширилган кишиларга таклиф қиладики

ЭЛЕКТР УЧУН

ҳар ойнинг 1 кунидан 11 кунигача счёт ёзиб тегишли пулни Госбанкнинг кирим омонат кассаларига тўласинлар.

Ўтган вақт учун ҚАРЗЛАРИ БЎЛГАН

абонентлар уни дарҳол тўлашлари лозим.

Счётлар ўз вақтида тўланмаса электр ток кўпинча узиб қўйилади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент оқшоми 4БЕТ

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — В3-02-49 дан В3-02-58 гача, редактор ўринбосарлари — В3-29-33, В3-29-09; масъул секретарлар — В3-27-22; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари — В3-29-42; саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — В3-27-03; адабиёт, санъат ва маданият бўлими — В3-29-55; хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари — В3-29-70; фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари — В3-27-57; ахборот бўлими — В3-65-57; эълонлар бўлими — В3-81-42.

21 СЕНТЯБРЬ, 1967 И. Р. 06733 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётчиниг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64579. Нашр. № 3014.